# САОДАТНОМА

*МУНОСАБАТ*

## ТАРИХ – ҲАММАМИЗНИКИ

***Миллий мустақилликни қўлга киритгач, халқимиз олдида мураккаб ва улкан вазифалар турарди. Иқтисодиёт соҳасидаги вазифа шўролардан мерос — шарти кетиб парти қолган иқтисоднинг янги пойдеворини қуриш бўлса, фан ва маънавият соҳасида мутлақо янги назария ва концепциялар яратиш сингари чигал муаммо турарди. Шўролар тузуми яратган ижтимоий фанлар тизимини бинога қиёсласак, шундай аҳволда эдики, уни пойдеворигача бузиб, ўрнида янги иншоот қуриш лозим эди. Ижтимоий фанлар орасида айниқса, миллий республикалар тарихи фани янгиланишга муҳтож эди. Бу вазифа ҳам мамлакатимизда муваффақиятли ҳал қилинди.***

Тоталитар тузумдан бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар орасида иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ютуқларимиз қанчалик салмоқли бўлса, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятлар ҳам шунчалик залворлидир. Тарих фанининг ривожланишига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, узоқ-яқин қўшни малакатларда асосан шўролар давридан қолган тарих у ер-бу ери пардозланиб, ҳозиргача ўқитиб келинаётганини кўрамиз. Ўша тарихчилар ўзларининг қанчалик ватанпарвар эканликларини кўрсатиш учун бир неча асрлик тарихга эга шаҳарларни икки минг, ҳатто уч минг йиллик тарихга эга, демоқдалар. Улар беасос номларини бутун, дунё у ёқда турсин, қўшни республикада ҳам кўпчилик билмайдиган мўъжазгина шаҳарларини бутун жаҳон цивилизацияси марказларидан деб тан олинган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидан ҳам қадимий қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Ватанпарварлик эса сохта далилга эмас, ҳаққоний пойдеворга эга бўлиши керак. Уйдирмага асосланган ватанпарварликнинг ўзи ҳам сохта, уйдирма бўлади. Президентимиз Ислом Каримов мамлакат иқтисодининг аҳволи, хусусиятлари, геостратегик ҳолати, миллий қадриятлар ва аҳоли руҳиятини ҳисобга олиб бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқди. Иқтисодни ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар ана шу моделнинг ҳаётийлиги ва илмийлиги натижасидир.

Халқимизнинг шўролар даврида топталган тарихини тиклаш йўлида ҳам Йўлбошчимиз теран тадқиқотлардан ташқари улкан ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. У кишининг бевосита раҳнамолигида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» илмий маркази тузилди. Тарих институтининг фаолиятини қайта тузиш бошланди, халқимиз орасидан етишиб чиққан ат-Термизий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Амир Темур каби улкан аллома ва саркардаларнинг, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг юбилейлари ўтказилди. Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорийлар юбилейлари кенг нишонланди. Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик ва бошқа қатор улуғ сиймоларнинг тўйини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Тарихга муносабат нафақат узоқ ўтмишдаги воқеалар, балки бевосита аждодлар кимлиги, уларнинг фаолияти қандай кечганини ўрганиш орқали шаклланади.

**«Одамзод борки**, — дейилади И.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мақоласида, — **авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди».**

Шўролар замонида оғизда авлодлар ворислиги тўғрисида гапирилса ҳам, авлодлар зимдан бир-бирига қарши қўйилди. Бунинг оқибатида ўзбеклардаги жуда қадимий ва гўзал одатлар унутила бошланди. Анъанага кўра, ҳар бир фарзанд камида етти аждоди кимлигини билар эди. Одамлар аждодлари кимлиги битилган шажараларни жуда эъзозлаб, энг қимматбаҳо мерос сифатида наслдан-наслга қолдирарди. Бу шажаралар кўпинча терига битилган бўларди. Қарияларнинг айтишича, бундай шажаралар асримизнинг 30-йилларида ҳам кўпчилик оилаларда сақланиб қолган эди. 30-йиллардаги қатағонлар давомида, айниқса, 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтилгандан кейин, бу шажараларнинг деярли барчаси йўқотиб юборилди. Чунки уларнинг кўпчилиги араб алифбосида ёзилган эди. 30-йилларда, яъни «маданий инқилоб» авж олдирилган йилларда маданиятга қарши кураш шу даражада кучайдики, одамларни қатағон қилиш учун уларнинг уйидан араб ёзувидаги китоб ёки дафтарлар топилиши кифоя эди. Ўша йиллари ўн минг, юз минглаб жилд китоблар, нодир қўлёзмалар сувга чўктирилди, ёқилди, тупроққа кўмилди. Тақдир истеҳзосини қарангки, ўша йилларни шўро тарихчилари маданий инқилоб даври, деб атадилар.

Шажаралар жуда кам бўлса-да, асримизнинг 50-60-йилларида баъзи одамларда сақланган эди. Эҳтимолки, айрим намуналар ҳозир ҳам мавжуддир. Шўролар сиёсати охир-оқибатда шунга олиб келдики, аждодларини ардоқлайдиган ўзбекларнинг ҳам кўпчилиги етти аждоди у ёқда турсин, икки-уч бўғин ота-боболарини зўрға танийдиган бўлиб қолдилар. Бу манқуртликнинг бир кўриниши эди.

Шўролар даврида адабиётда, санъатда, «илғор фарзандлар» «қолоқ» ота-оналарга қарши қўйила бошланди. Бу илғор «ўғил-қиз»лар ота-оналарини эъзозлаш ўрнига улар устидан кулар, жуда инсофлилари эса уларни қайта тарбиялашга ҳаракат қилардилар. Янги ерларни ўзлаштиришга жўнаётган ёшлар дейсизми, илғор колхозчи йигит-қизлар дейсизми, партком котиблари-ю, звено бошлиқлари дейсизми, кўпинча ўзларининг «илғорлик»ларини «қолоқ» ота-оналарини қайта тарбиялаш орқали намоён қилардилар. Оқибатда, авлодлар ўз аждодларини, демак тарихни ардоқлашлари у ёқда турсин, уларни мутлақо унута бошладилар.

Президентимиз мақоласидан юқорида келтирилган иқтибосда тарихни ўрганиш ўз авлод-аждодлари, қишлоғи, маҳалласи, шаҳри тарихини ўрганишдан бошланиши айтилган эди. Шўролар даврида бунинг аксича эди. Ўқитувчилар ва талабалар узоқ-узоқ мамлакатлар тарихини, уларнинг подшо ва қироллари фаолиятини, уларнинг оила аъзолари, дилхушлари ким бўлганини ўрганишар, аммо ўзларининг аждодлари, шаҳар-қишлоқлари, маҳаллалари тарихини ўрганишга вақт ажратмасди. Истиқлол туфайли ҳамма нарса жой-жойига тушадиган бўлди. Энди мамлакатимиздаги талаба-ю ўқувчилар, барча фуқаролар ўз мамлакатлари тарихини ўрганиш имконига эга бўлдилар. Аммо яратилган имкониятнинг ҳаётий ҳақиқатга айланиши анча мураккаб жараён. Гап шундаки, шўролар даврида миллий ўлкалар, жумладан, Ўзбекистон тарихи ўрганилмадигина эмас, балки жуда чалкаштириб ҳам юборилди. Энди кўҳна тарихимизни шўролар чаплаган балчиқдан, ҳақорат ва уйдирмалардан тозалаш, унутилган саҳифаларни қайта тиклаш лозим. Лекин бу жуда мураккаб вазифа. Уни муваффақиятли ҳал қилиш учун нафақат тарихчилар, балки иқтисодчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар, адиблар ва журналистлар, ҳатто табиий фанлар бўйича мутахассисларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари керак бўлади.

Табиатшуносларнинг тарихий тадқиқотларда иштирок этиши мумкинлигини шунда ҳам кўриш мумкинки, ўзбекистонлик иммунологлар АҚШ ва Буюк британиялик мутахассислар билан бирга турли халқлар генларидаги ўзига хосликларни муваффақиятли тадқиқ этмоқдалар. Ёки бўлмаса, тарихимизнинг иқтисодий муаммоларини иқтисодчи мутахассисчалик ким таҳлил қила олади? Ҳар қандай мамлакат тарихининг муҳим қисмларидан бири иқтисодий тарих-ку? Ёки бўлмаса, тарихнинг ва тарихга ёндошувнинг шундай умумий, методологик жиҳатлари борки, уларни файласуфлар яхшироқ ёритишлари мумкин.

Ажабланарлиси шундаки, иқтисодчилар, адиблар, файласуфлар, журналистлар тарихни ўрганишга бел боғлаганларида баъзи тарихчилар, ҳатто баланд илмий унвонларга эга бўлган тарихчилар аюҳаннос солишиб, тарихни ўрганишни тарихчиларга қўйиб беринглар, деб қолишди. Тарих — Ватаннинг ўтмиши, Ватаннинг, халқнинг, одамларнинг ўтмиши. Қолаверса, кенг халқ оммаси тарихни тарихий рисолалардан эмас, бадиий асарлардан ўқиб ўрганадилар. Талабалар ва мутахассислargина илмий рисолаларга мурожаат қилишлари мумкин. Тарих нақадар мураккаблиги, уни ўрганиш учун турли фан мутахассисларининг кучини бирлаштириш зарурлигини ифодалаб, Юртбошимиз ўз мақоласида масалани қуйидагича қўяди:

**«...Давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми? Яъни юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керак».** Масаланинг шундай қўйилиши тарихни чуқур ўрганиш учун ижтимоий фанлар бўйича мутахассисларнинг ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

**Абдуллажон БЕГМАТОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий тадқиқотлар бўлими мудири.**

*Сўнмас юлдузлар*

***Йирик шоир ва теран олим, бетакрор драматург Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек адабиёти ва маданиятига қўшган улуши салмоқлидир. У 1908 йилда Озарбойжоннинг Ганжа вилояти Оқтош шаҳрида зиёли оиласида туғилиб, 1928 йилда Ўзбекистонга келиб қолди ва умрининг охиригача Низомий номидаги педагогика олий ўқув юртида энг обрўли муаллим сифатида хизмат қилди.***

Ғоятда камтар, чуқур билимдон, чин дўст, ҳақиқий зиёли бўлмиш Мақсуд Шайхзода ўзини ўзбек халқининг асил фарзанди, деб билди ва унинг бахт-саодати учун фидоийларча меҳнат қилди. Бир шеърида «кўчат кўчириб келтирилган тупроқ унинг ватанидир» деб ёзди ва шу Ватани берган тузни самарали ижоди билан оқлади.

Мақсуд Шайхзоданинг ўзи «халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги, кураш ва жанг, озодлик ва дўстлик, бахт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва инсоннинг маънавий жамоли менинг қаламимга ошно, дилимга мазмун бўлиб келди» деб таъкидлаган эди. Худди шу омил унинг ўзига хос услубини — овозини келтириб чиқарди. Воқеликни кенг тарихий кўламда, яъни кечаси, бугуни ва эртаси билан яхлитликда идрок этиш, қаҳрамонлик ва романтикага мафтунлик, истиқболга ошиқиш, шахсий кайфият билан ижтимоий руҳни, фикр билан туйғу-эҳтиросни, жанговар публицистика ва нотиқлик билан теран фалсафий мушоҳадани уйғун қўша олишлик, руҳий тушунчани, хаёлни, мавҳумликни жисмоний шаклга сола олиш, мисраларни, ўз сўзи билан айтганда, «маънан, фикран ва суратан боғлай» олишлик, шаклда, вазнда, ритмикада, тимсолларда, сўзда, қофияда дадил янгиликка, оригиналликка интилиш Мақсуд Шайхзода услубига хос муҳим белгилардир. Ҳамид Олимжон ибораси билан айтганда, у «фикрлар шоири» эди.

Шоирнинг бу фазилатлари, энг аввало, ҳаётдаги, воқеликдаги ва одамларимизнинг руҳий оламидаги ўзгаришлар, ҳолатларни ифодалашга қодир янги, бетакрор образларида намоён бўлди. Бу Тарих, Йўл-Сафар-Кема-Карвон, Харита (ер курраси ва Ватани), Манзил, Рақам, Суръат ва Вақт образларидир. Булар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, инсоният тарихи яхлитдир ва доим олға қараб ҳаракат қилади, бу инсоният карвонини—кемани тўхтатиб бўлмайди, у инсоният орзуси — бахт-саодат манзили сари ҳаракат қилади. Вақт ва шу Вақт тарозуси унинг тақдирини ҳал қилади, деган фикрни ифодалашга хизмат қилади. Буни Шайхзоданинг ўз китобларига «Ўн беш йиллик дафтари» ёки «Чорак аср девони» деб сарлавҳа қўйишидан ҳам билиш мумкин. Шоирнинг ўзи «Инсон умри — чекланган муҳлатли дафтар», демак бу дафтарни фойдали, эзгу ишлар — «ёзувлар» билан тўлдириш лозим дейди. «Рақамлар» шеърида эса шундай сатрлар бор: «Мен на мунажжимман ва на ҳисобдон ва лекин кўраман сонлар мағзида осмонча маънолар, юртни ободон»... Унингча, дақиқалар, кунлар, йиллар ва асрларнинг қиммати — жисмоний вақт узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан ўлчанади. Шу туфайли у «шу ўлчовсиз оламда куннинг бирор зарраси беиз учиб кетмаслигини» орзу қилади ва дейдики, «сониялар, сиз минутдан олинг ижозат, бир мижжада яшаб олай бир йилни». Шоирдаги ўлчов туйғуси яратган мўъжизали, конкрет образга разм солинг: «Ернинг юрак тепишидан бўлсам хабардор! Бунинг учун қулоқ керак худди Ой қадар!» Ёки туннинг ҳажмини ҳеч ким Шайхзода каби аниқлашга уринмаган: «Шунча қуюқ эди тунги қоронғу, ҳовучлаб кафт ичра сиққилик гўё». Шоир инсоннинг руҳий оламидан тортиб то товуши, қўллари, изларигача яхлит таҳлил этади. «Товушлар бор, демак ҳаёт бор», дейди. Аммо, оддий, бефойда ҳаётни тан олмайди, «яшамоқ керак курашмак учун, курашмак керак буюк ғояга эришмак учун» («Товушлар»). Кўзларни эса шоир «руҳлар кўзгуси, уларда намоён қалблар сезгиси», деб таърифлайди. «Қўллар» шеърида қўлларда инсоннинг борлиғини, унинг ички оламининг муҳрини кўради. Унингча, «ғоят шафқатли, ҳаётбахш қўллар» ҳам, «аёвсиз, ёвуз, гўр каби совуқ, танбал» қўллар ҳам бор, қисқаси, ҳар бир қўл «юракнинг навкарларидир», юрак нени буюрса, қўл шуни ижро этади. Инсоннинг кимлиги унинг изларидан ҳам — ҳаётда қайси йўлдан юриши ва не ишлар билан машғул бўлишида кўринади: «Чунки дунё йўлларида ҳар киши ўз шахсий услубида юради». Шоир шу «Излар» шеърида оддий нарсадан катта умумлашмаларга кўтарилади. Адолатсизлик, ёмон одамлар қолдирган излар — «битмас яралар» ўчмайди, «дунёмиз уммоннинг соҳилидан кўчмайди». Маълумки, ўзбек ёзувчилари бошига тушган кулфат-репрессия таёғи Шайхзода бошига ҳам тушди (1952 йил). У «Қулаганда ғаразнинг шумшук ҳайкали» қайтиб келди ва «Ватаннинг кенг хиёбонига чиқиб» илҳом билан ижод қилди. Бу адолатсизлик Шайхзоданинг замонидаги фожиа ва унинг илдизларини чуқурроқ ва теранроқ тушунишига олиб келди. Усмон Юсупов вафоти муносабати билан ёзган «Айрилиқ» шеърида «Мотамнинг ўлчови сиғмас юракка», «Аммо унинг бевақт ўлимига, оҳ, сенда ҳам, менда ҳам бор жиндак гуноҳ!...» дейди. Аслида, бу «жиндак» ўлчовининг остида собиқ тузумга нисбатан ишора, таъна, даъво бор эди. Ғафур Ғулом вафоти ҳақидаги «Ғафурга хат» шеърида «доим ловуллаб турувчи дард»ни ҳам, Ғ. Ғуломнинг улуғлигини ҳам яна ўша сон-сана, ўлчов билан ифодаланади: «Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда, Ҳофизангда юз минг байт, ўн минг латифа, минг саргузашт, юз қисса, сонсиз саҳифа».

## «...КУРАШМАК КЕРАК БУЮК ҒОЯГА ЭРИШМАК УЧУН»

Шайхзоданинг ҳибсга олинишида, унинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган «Жалолиддин Мангуберди» тарихий трагедия асари маълум даражада дастак бўлиб хизмат қилди. Бу асарга ўтмиш идеаллаштирилган, деган сиёсий айб қўйилган, илмий ишларда ҳам фақат танқид этилган эди. Аслида, бу драматик асар халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши ва ватанпарварлиги, жасоратини Жалолиддин Мангуберди ҳаёти орқали ҳаққоний акс эттириб берган эди. Ойбек билан Ғафур Ғулом ўша вақтда асарга юқори баҳо беришиб: «Тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини» очиб берган, «Композицияси пишиқ, драматик тўқнашувларга бой бир асар. Воқеалари жонли ва шиддатли равишда инкишоф этилади. Интрига кучли, ўткир ва оригинал. Драма фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли, бақувват шеър билан ёзилган», деган эдилар. Шайхзоданинг халқимиз тарихига, жумладан, Жалолиддин Мангуберди тақдири ва курашига одилона ёндошганлиги, ҳақиқатни ҳимоя қилганлиги Президентимиз Ислом Каримов имзоси билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги қарори ҳам яна бир бор тасдиқлайди. «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида» деб аталган бу қарорда шу жасоратли шахснинг жаҳон тарихида тутган ва ўйнаган ролини кўрсатиш, адабиёт, санъат асарларида унинг образини гавдалантириш вазифаси қўйилди. Шайхзоданинг ёзувчилик шуури ва ижодкорлик зеҳнининг ўткирлиги унинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида тағин бир бор исботланди. Шўро даври бир-биридан оғир ва даҳшатли фожиаларга тўлиқ эди, аммо улар тўғрисида ёзиш мумкин эмас эди, рухсат берилмас эди. Шунинг учун Шайхзода ўтмишга, Улуғбек тақдирига мурожаат этди ва унинг улуғвор образини яратиш жараёнида ўз замонини ҳам билвосита акс эттирди. Одатда, трагедияда воқеликнинг, ҳаётнинг замонавий фожиали ҳолати таҳлил этилади, қаҳрамон шарт-шароитнинг енгиб бўлмас қаршиликларига дуч келади. Трагик қаҳрамоннинг тарихан қонуний, зарурий талаб-истагининг амалга ошиши мутлақо мумкин бўлмайди. Трагик қаҳрамон ё жисмоний ўлими ёки ниятининг қурбони эвазига ҳақиқатни ҳимоя қилиб, маънавий-руҳий ғолиб чиқади. Шайхзода шоҳ бўла туриб, ўз даврида илм-маърифатни ривожлантириш билан боғлиқ адолатли ниятларини амалга оширолмаган, жаҳолат ва манфаатпарастлик қурбони бўлган Улуғбек тақдирини бир сабоқ тарзида ёритади. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги муросасиз зиддият, зиндонлар ва адолат учун курашларнинг бостирилиши Сталин даврига ҳам ишора эди. Бобо Кайфий орқали драматург: «Ҳақ ноҳақдир, ноҳақ ҳақдир, ҳақиқат йўқдир», «Яхши-ёмон, Ёмон-яхши. Тафовут қайда?» дейдики, бу сўзлар, айни чоқда, совет тузумига ҳам тааллуқлидир. Шайхзода асарда Вақт образидан Улуғбек ва Абдуллатиф ички дунёсини очишда мўл-кўл фойдаланади. Тахтни эгаллаш ҳирсида ёнган Абдуллатиф отасида «ҳали қариш йўқ»лигини кўриб, «Бу бахтга қачон эришаман?» дейди ва шу туфайли иғвогарлар томонига ўтади. Ҳатто, у Ферузани бевафоликда айблайди. Улуғбек бунга ишонади ва «Балки, менинг ҳаётимнинг кун ўрта чоғи аллақачон ўтганлиги асил сабабдир» дейди. Шекспирона руҳда ёзилган «Мирзо Улуғбек» трагедияси ўзбек драматургиясида бир ибратли воқеа ва мактабдир.

Мақсуд Шайхзода юксак илм эгаси эди. Айниқса, у ўзбек мумтоз адабиётини чуқур билар эди. Унинг Алишер Навоий ҳақидаги йирик тадқиқоти навоийшуносликка нодир ҳиссасидир. Шайхзода Навоий маҳоратини, унинг санъаткорлигини теран ўрганишни бошлаб берган ўткир тадқиқотчи эди. «Мирзо Улуғбек» трагедиясида, қатор шеърларида совет мафкурасининг излари бор эди, албатта. Аммо, бу чанглар Мақсуд Шайхзода меросининг асил моҳиятини беркита олмайди.

Мақсуд Шайхзода «Ҳакимнинг ҳисоби» шеърида «Мазмунига қараб ўлчанади умрлар», яна бошқа шеърида «Умрлар бўладики, тиригида ўликлар, ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир», деб ёзганди. Ҳа, у қисқа яшади, аммо ғоят мазмунли умр кечирди, ўлмас асарлари билан маънавиятимизни бойитди... У «Йўқ, мен ўлган эмасман!» деганида ҳақ эди. Шайхзода «Замонга бизмиз жавобгар» деган ўгити билан бугун ҳам сафимиздадир.

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

## ФАРИШТАЛИ ХОНАДОН

*Аҳиллик, ҳамжиҳатлик мавжуд жойда қут-барака бор, осойишталик бор. Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» ширкатлар уюшмасида яшовчи Маматовлар хонадонини ҳамқишлоқлари «фариштали — сариштали» хонадон дейишади. Бунга сабаб, аввало оила бошлиғи Барот аканинг ғамхўрлиги бўлса, оила бекаси Саломат аянинг оқилалигидан. Барот ака ва Саломат ая ўн фарзандни оқ ювиб, оқ тарадди. Шукрки, фарзандлари бирин-кетин ҳаётда ўз ўрнини топаётир. Тўрт алпдек ўғилга тўрт соҳибжамол қиз келин бўлиб тушишди. Ҳозирда оиланинг барча аъзолари жамулжам бўлишса, нақд тўйхона дейсиз.*

*— Оила муқаддас қўрғон, — дейди Б.Маматов. — Уни асраш муқаддас бурч.*



***СУРАТДА:** Барот ака ва Саломат ая жигарбандлари Анвар ва Шоҳсанам билан*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## ДОНИШМАНДЛАР МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА

***Бир донишманддан сўрашибди: «Донишмандлар аслида кимлар?» У жавоб берибди: «Эшитиш қобилиятига эга инсонлар».***

* * *

***Яна ўша донишманд дебди: «Табаррук китобларда айтилган калималар сен учун яшаш қоидаларидир. Лекин шу қоидаларни дил-дилингдан ҳис қилганингдагина, у дил — сенга равшан чироқ бўлиб, тўғри йўл кўрсатади.***

* * *

***Бир донишманд деган экан: «Тирик ҳаётга келиб, Аллоҳнинг олдида бирор яхши иш қилолмаяпман, деб ҳамиша таҳликада яша! Ва токи ўз маънавиятингда беғуборликни ҳис этмагунингга қадар, бу виждон ҳисоб-китобини бўшаштирма».***

* * *

***Бир донишманд шундай деб ҳасратланибди:***

***— Одамзотнинг табиатидаги бир ҳолат мени беҳад тааажжубланттиради: у беҳуда ўтаётган умри устида эмас, балки қўлдан кетаётган бойлиги устидан кўпроқ изтироб чекади.***

* * *

***Мўътабар бир зотдан сўрабдилар:***

***— Тақсир, рўза нечук фарз бўлубдур?***

***Мўътабар зот дебди:***

***— Шунинг учунким, токи тўқлар ҳам очлик нималигини билсинлар ва оч-наҳорларга хайру эҳсон қилишни хаёлларига келтирсунлар.***

* * *

***Бир донишманд дебди: «Маккор одам яланғоч шамширга ўхшайди. Унинг кўриниши кўзни қамаштиради, лекин зинҳор эҳтиёт бўлмоғинг шарт».***

**Тўпловчи ва таржимон: М. САФАРОВ.**

*КИЁС*

## БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, БИРНИ КЎРИБ ШУКР ҚИЛ

***Ўзбекистондаги маънавий ва иқтисодий янгиланишлар моҳияти вақт ўтган сайин янада улуғвор мақом касб этмоқда. Халқимизнинг улкан бунёдкорлигу яратувчилик қудрати туфайли мамлакатимизнинг иқтисодий, маънавий салоҳияти ошиб бормоқда. Буюк маънавий меросимизга юксак эҳтиром ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда. Айниқса юртимиздаги ўзгаришларни қўшни давлатлар ҳаёти билан таққослаганимизда танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигини юрак-юракдан ҳис этамиз. Мазкур ҳақиқатни яқинда қўшни Қозоғистон ҳудудида жойлашган буюк бобомиз Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиб қайтган бир гуруҳ қариялар ва оқсоқоллар ҳам ўз дил изҳорлари билан тасдиқлашди. Қуйида ана шу муборак сафар иштирокчиларининг фикрлари билан танишасиз.***

**С. ҲАСАНОВ, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани маҳалла оқсоқоли:**

— Аввало, йўл давомида кўнглимизни кўтарган бир манзарани айтиб ўтсам. Биз тушган автобус шаҳримиздан чиқаверишдаги "Ғишт кўприк" чегара масканига етиб келганида, божхоначиларимиз эгнидаги бежирим формалари ва уларнинг ўз хизмат вазифаларига астойдил садоқат билан муносабатда бўлаётганликларини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдик. Божхона масканининг ободлиги, қурилиш услубининг кўркамлиги, сон-саноқсиз чироқларнинг нуридан чароғон бўлиб турганлиги юртимизнинг бу дарвозасига ўзгача бир салобат бахш этиб турибдики, бундан оқсоқолларимиз беҳад ғурурланишди.

Юртимиз тупроғини тарк этиб, қардош қозоқ биродарларимиз ерига қадам қўйишимиз билан тамоман бошқача манзарага дуч келдик. Йўлнинг икки тарафида чала ярим каллакланган, айрим жойларда эса илдизи билан қўпорилган дарахтларни кўриб дилимиз ранжиди. Одамлардан бунинг сабабини сўраганимизда, улар газ ва электр қуввати етишмаётганлиги туфайли уйларни иситиш ва қозон-ўчоқдан фойдаланиш учун дарахтларни кесишаётганлигини айтишди. Шунда беихтиёр қадрдон юртимиздаги шарт-шароитни эсга олдик. Табаррук истиқлолимизнинг етти йили мобайнида бирор марта ҳам газ ёки электр етказиб беришда узилишларга йўл қўйилмади. Аксинча, энг олис қишлоқларимиз хонадонларига ҳам газ кириб борди. Ҳозирги аёзли кунларда одамларнинг уйи иссиқ ва ёруғ. Ана шундай пайтда одамнинг кўнглида чуқур бир шукроналик уйғонар экан.

**Қ. ҚОДИРОВ, Акмал Икромов туманидаги маҳалла оқсоқоли:**

— Тўғриси, бундан беш йил аввал ҳам Туркистон шаҳрида бўлиб, улуғ бобомизнинг қабрларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Ўшанда бир гуруҳ туркиялик усталар мақбарани таъмирлаш ишларини бошлаб юборганликларини кўрган эдим. Мана, орадан беш йил ўтган бўлса-да, ҳамон таъмирлаш ниҳоясига етмабди. Усталардан, қачон таъмирлашни тугаллайсизлар деб сўраганимизда, яна икки йилдан сўнг деб жавоб беришди. Шунда барчамиз Самарқанд вилоятидаги Хартанг қишлоғида беназир аждодларимиз Имом ал-Бухорий мажмуаси ва Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний хиёбони ҳамда Шаҳристон ёдгорлигидаги улкан бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари жуда қисқа фурсат ичида амалга оширилганлигини ҳаяжон ва севинч билан эсладик. Юртимизнинг барча гўшаларида Тошкент ва Андижонда, Самарқанду Бухорода, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқонда бунёд этилган замонавий иморатлар, бутун дунёни лол қолдириб таъмирланган тарихий обидалар бошида Президентимиз Ислом Каримов турганлигини яна бир карра эсга олиб, Аҳмад Яссавийдек улуғ авлиёнинг муқаддас мақбарасида туриб, Юртбошимиз ҳақларига дуо қилдик.

**Н. ЗОКИРОВ, маҳалла оқсоқоли:**

— Қилинган зиёрат биз учун кўп нарсани ойдинлаштириб берди. Юртимиздаги ўзгаришлар, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизнинг тикланиши, боболаримиз хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиром — буларнинг барчаси одамлар қалбида ишонч, эътиқод, саховат, аҳиллик урғларини сочаётганлигига Аҳмад Яссавий мақбараси пойида туриб яна бир карра имон келтирдим. Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил" деган чуқур маънога эга мақол бор. Одамларнинг умумий кайфияти ва аҳвол-руҳиятидан ҳам кўп нарсани билиб олса бўлади. Юртнинг ободлиги, кўркамлиги, саранжом-саришталиги ҳам одамлар руҳиятига бевосита таъсир қилишини Туркистон шаҳрида туриб яна бир бор англаб етдик. Қиссадан ҳисса шуки, қачонки юртда яратувчилик, ободлик, тўкин-сочинлик, осойишталик бўлсагина, одамлар кайфияти кўтаринки, юрт ва халқ ишига садоқатли бўлишига сафаримиз давомида ўзимиз гувоҳ бўлдик.

**Ш. ШОУМАРОВ, "Тепа" маҳалласи оқсоқоли:**

— Қадимдан, сафардан мақсад тижорат, зиёрат ва ибодат бўлган. Биз ҳам бобомиз қабри ва мақбарасини зиёрат қилгандан сўнг, Туркистон ва Шимкент шаҳридаги бозорларни айландик. Биринчидан, бозорларнинг аҳволи анчайин ночор, таъмирталаб. Янги бозор ёки расталар қурилмаган. Дўконлардаги маҳсулотлар тури кам, савдо дўконларида сотилаётган кундалик эҳтиёж ва халқ учун энг зарур молларнинг нархи бизнинг мамлакатимиздагига нисбатан 2-3 баробар қиммат. Албатта, қиёслаганда кўп нарса аён бўлади. Юртимизда бунёд этилган кўплаб бозорлар ва у ердаги тўкин-сочинлик, арзончилик беихтиёр кўз олдимиздан ўтди. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг халқпарвар сиёсати туфайлидир. Юртда осойишталик ва ободлик ҳукмрон экан, халқнинг эртанги кунга ишончи янада ортади.

**М. АБДУМАЛИКОВ, маҳалла оқсоқоли:**

— Бизнинг маҳалламизда 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шундан тўртдан бир қисмини қозоқ биродарларимиз ташкил қилади. Менинг муовиним ҳам қозоқ. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби маҳалламиздаги барча миллат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечиришмоқда. Уларнинг барчаси ўзларини мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари деб билишади. Сафардан сўнг маҳалла аҳлига ўз таассуротларимизни сўзлаб бердик. Одамлар Ўзбекистондек юртда яшаётганларидан, мамлакатимизнинг муҳтарам Ислом Каримовдек йўлбошчиси борлигидан шукроналар билдириб, биз маҳалла оқсоқолларидан ҳурматли Президентимиз номига миннатдорчилик хати ёзишни илтимос қилдилар.Бу халқнинг ўз Юртбошисига жуда катта ишонч ва умидидир.

**Жалолиддин САФОЕВ.**



# НОРИН МАНЗАРАЛАРИ

***Икки дарё оралиғида жойлашган Норин — Наманган вилоятининг жадал равнақ топаётган туманларидан. Бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказмоқда. Туман маркази ва қишлоқларнинг тобора обод ҳамда кўркам бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланаётганлиги бундан нишона.***

Дарҳақиқат, иқтисодиётининг ўзагини қишлоқ хўжалиги ташкил этадиган мазкур туманда истиқлол шарофати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қурилиш ва ободончилик масалалари диққат марказида тутилиб, капитал маблағлар аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлиги ўз самарасини бераяпти. Атиги икки йилгина аввал оддий сартарошхона ёки пойабзал таъмирлаш устахоналари етарли бўлмаган ҳудудларда бугун замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари фаолият кўрсатаётганлиги эътиборга моликдир. Бу — хайрли ташаббус ва дадил ҳаракатлар оммалашаётганлигидан далолат. Қишлоқ одамлари маҳаллий бошқарув органларининг фаол интилишларига ҳамоҳанг тарзда, ўз турар-жойларини ростлашга киришганликлари эса нур устига аъло нур.

Туманда таъмирталаб бўлиб қолган анчагина шифохоналар, таълим масканлари бор эди. Тайёр маблағ эса йўқ. Нима қилиш керак? Муаммони ҳал этиш учун кўпчилик кўмагига таянилди. Узоқ йиллардан буён дурустроқ таъмир кўрмаган марказий шифохонани қайта созлаш ва уни бугунги кун талаби даражасига келтириш учун 40 миллион сўмликка яқин иш бажаришга тўғри келди. Жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар қараб туришгани йўқ. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганларича бор. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт масканида ҳозир беморларга малакали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳаққулободдаги маданият ва истироҳат боғини қайта тиклаш, бозорларни кенгайтириш масаласи, 18 чақирим масофадаги марказий автомобиль йўлини кенгайтириш ҳам шу тартибда ҳал этилди. «Тола» ҳиссадорлик жамияти эса таркибида теннис корти бўлган спорт мажмуини бунёд этиб, ўз меҳнатчилари ва шаҳар ёшларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшди.

Нафақат туман маркази, балки чекка қишлоқлар инфратузилмасини шакллантиришга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Мисол учун, 18 минг киши истиқомат қиладиган Норинкапа қишлоғини олиб кўрайлик. Кейинги икки йил мобайнида барпо этилган маъданли сув ва лимонад ишлаб чиқариш цехи, савдо мажмуаси, 624 ўринли мактаб, ҳакимлик пункти, маиший хизмат уйи Норинкапанинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ўтган йилнинг охиридан бошлаб 350 хонадон табиий газдан баҳраманд. Катта юмушларнинг асосий қисми марказлашган маблағлар ҳисобига бажарилган бўлса-да, «Норин» жамоа хўжалиги ва қишлоқ тадбиркорлари ҳам аравани тортишга фаол кўмаклашишяпти. Чунончи, хўжалик газ тармоқлари барпо этиш учун 3 миллион сўм маблағ ажратди. Тадбиркор Ҳусанбой Қўчқоров эса икки қаватли маиший хизмат уйини тиклаб, ҳамқишлоқлари дуосини олди. Унга қарашли «Бахт» хусусий фирмаси норинкапаликларга 8 турда хизмат кўрсатмоқда. «Бизнес фонд»дан олинган 10 миллион сўм кредит эвазига барпо этилган бу масканда 20 киши иш билан таъминланди. Жамоадаги соатсоз, сураткаш, этикдўз, сартарош сингари ҳунармандларнинг қўли-қўлига тегмайди. Маиший хизмат уйида аёллар сартарошхонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хотин-қизлари қўли гул уста Шаҳноза Ҳошимованинг хизматидан беҳад мамнун.



## ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИ



Фирманинг тикувчилик цехида ҳам эртаю кеч меҳнат авжида. Чеварлар турли буюмларни тез ва сифатли бажариб, аҳоли турмуш маданиятини ошириш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар.

Улар шу кунларда муҳим бир иш билан банд. Яъни, давлатимиз байроғи тасвири муҳрланган матонинг четлари ҳошияланиб, тайёр маҳсулот талабгорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси унга катта миқдорда буюртма берган.

Бу мисоллар норинкапаликларнинг давр ўзгаришларига ҳамоҳанг қадам ташлаб, ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланаётганликларидан далолат беради. Албатта, тумандаги яхши ишлар ҳақида кўп гапириш ва ёзиш мумкин. Аммо бундан ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммолар тўла ҳал этилган, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Ҳамма жойда бўлгани сингари туман қишлоқларида ҳали ечимини кутиб турган масалалар оз эмас.

Норинликлар 1996 йил кузида республика Президенти И. Каримов туманга ташриф буюриб, меҳнаткашлар билан дилдан суҳбатлашганлигини фахр билан эслашади. Ўшанда қишлоқ ҳаётига оид долзарб вазифалар ҳақида сўз борган, пахса деворли уйлар ўрнида замонавий турар-жойлар барпо этиш учун йилига 10 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик ғишт заводи қуриш ҳақидаги таклиф ўртага ташланган эди. Орадан кўп ўтмай, бу гап амалий иш тусини ола бошлади. «Ўзқурилишматериаллари» ҳиссадорлик компанияси иншоотни барпо этишни зиммасига олди ва жадал ҳаракатга киришди. «Тошкент» жамоа хўжалиги ҳудудида тикланаётган бу корхонада 20 миллион сўмликка яқин иш бажарилгач, ҳаммаси тўхтади-қолди. Айни пайтда бинонинг пойдевори қўйилган, ғишт пишириш печининг ярим-ёртиси уддаланган, холос. Қурилишни давом эттириш учун пул йўқ. Вилоят, туман ҳокимликлари, «Ўзқурилишматериаллари» компаниясининг мурожаатларига қарамай, «Ўзсаноатқурилиш» банки кредит ажратиш масаласини пайсалга солаяпти. Натижада заводнинг қад ростлаши чўзилмоқда. Ҳозир эҳтиёж учун зарур бўлган ғишт Наманган ёки Учқўрғондан ташиб келтирилмоқда. 45-50 чақирим жойдан олиб келинган маҳсулотнинг таннархи қанча бўлишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Норинликлар пишиқ ғиштдан замонавий уйлар қуришни исташмайди, дейсизми? Исташади, албатта. Бунинг учун арзон ва сифатли ғишт тайёрлаш муаммоси тезроқ ҳал этилиши зарур.

Ўлкамизда қиш. Туман ҳудудида эса қурилиш ва ободончилик ишлари бир дақиқа сусайтирилмаяпти. Қишлоқлар янги қиёфа касб этиб, тобора чирой очмоқда. Замонавий савдо шохобчалари, мактаб ва боғчалар, сўлим хиёбонлар, маданият иншоотлари эртанги фаровон турмушнинг муждаларидир. Аслида туманнинг ижтимоий мавқеини фақат қурилиш белгиламайди. Қишлоқ хўжалиги, транспорт, халқ маорифи, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам тилга олса арзийдиган ютуқлар кўп. Норинликлар келажакка ишонч билан назар ташлаб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳалол меҳнат эса ўз самарасини беради, албатта.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Наманган вилояти.**

*Чаккига дакки!*

# «ИШБИЛАРМОНЛАР» ДОҒДА ҚОЛИШДИ

***Мустақил республикамизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолининг турмуш даражаси дахлсизлигини сақлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Ижтимоий тадбирлар учун эса давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратиляпти.***

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим нопок мансабдор шахслар давлат маблағларининг бошқа мақсадларга сарфланишига йўл қўймоқдалар, бу билан улар ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатга путур етказмоқдалар. Республика Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси таркибида янгидан ташкил этилган бюджет интизомига риоя этишни назорат қилувчи махсус бошқарма ходимлари томонидан аниқланган далиллар буни яққол исботлаб турибди.

Мисолларга мурожаат этайлик. Самарқанд вилояти Қўшработ тумани ҳокимининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари Н. Холбеков, «Пахтабанк» туман бўлимининг бошқарувчиси Н. Холметов ва туман «Матлуботсавдо» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Ғаниевлар касса режасини ғайриқонуний тарзда бажариш мақсадида молия ва халқ таълими бўлимлари раҳбарларининг «бепарволиги»дан фойдаланиб, ўқитувчилар учун берилиши лозим бўлган қарийб 7,5 миллион сўм миқдоридаги нақд пул маблағларини халқ таълими бўлими кассаси орқали «Матлуботсавдо» жамиятининг дўконлари раҳбарларига бериб юборишади. Савдо ходимлари эса мўмайгина пулларни олгач, унинг эвазига ўқитувчиларга иш ҳақи ҳисобидан шакар, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришади. Қойил-а!

Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг мутасадди раҳбарлари ҳам қўшработликлардан ўзишга ҳаракат қилишган кўринади. Улар ўқитувчилар учун бериладиган нафақаларни ўз вақтида тўлаш ўрнига, 3 миллион сўмдан зиёд нақд пулларни «Пахтабанк»нинг туман бўлими «Омонат» жамғармасига «яшириб» қўйганларига нима дейсиз. Ўқитувчилар эса ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни ололмай, сарсон бўлиб юрибдилар.

Шу вилоятнинг Бандихон тумани молия бўлими мудири Н. Қулниёзов ҳокимлик раҳбарларининг «ҳотамтой»лигидан фойдаланиб, бюджет маблағлари ҳисобидан 1,2 миллион сўмга «Нексия» русумли янги автомашина сотиб олади. Туман ҳокими эса 174 минг сўм миқдоридаги бюджет маблағига уяли телефон харид қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани ҳокимлиги раҳбарлари гўё уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурматини жойига қўйгандек, «Нуроний» республика жамғармаси туман бўлими ҳисобидан маҳаллий бюджет ҳисобига 267 минг сўм маблағ ажратадилар. Бу маблағ азиз отахон ва онахонларимизнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун сарфланган бўлса керак, деб ўйларсиз? Афсуски, бу маблағ тўғридан-тўғри республика «Нуроний» жамғармасидан бўлган «қарз»ни қоплашга ишлатилади.

Бундай антиқа ва ноёб «кашфиёт»ларга, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли баҳо бердилар. Шундай бўлсада, аввалдан айтиб қўяйлик: маблағларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўйган назоратчи-тафтишчилар эгаллаб турган вазифаларидан озод қилиндилар. Молия бўлими раҳбарининг ҳам тегишлича жазоланишига шубҳа йўқ.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**

*Божхона хабарлари*

# ОЛМА ОСТИДАГИ “БИСОТ”

Қувасойга сумка кўтарганча кириб келаётган бир йигит божхона маскани нозири, старшина Қирғизбой Нишоновда шубҳа уйғотди. Йигит нимагадир безовта эди.

— Йўл бўлсин, оғайни. Нима олиб келяпсиз?

— Учқўрғондан пича олма олгандим. Тирикчилик учун сотаман-да, ака.

Йигит шундай деди-ю ура солиб қоча бошлади. Қаерга ҳам борарди. Инспектор тезда етиб олиб, уни сумка-пумкаси билан маскан биносига олиб кирди. Марғилоннинг Қизил косиб кўчасида яшовчи, эндигина 33 ёшни қаршилаган Абдуғаффор Юсуповнинг қочишида жон бор экан. Унга тегишли бўлган сумка холислар иштирокида назоратдан ўтказилганда олмалар тагига 750 грамм наркотик модда — наша яширилган эди.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти божхона бошқармаси инспектори.**




“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” Миллий холдинг компаниясига қарашли

“МУБОРАК ГАЗ”
ГАЗ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИ

Барча ватандошларни

Янги 1999 йил билан

Муборакбод этишдан бахтиёрдир.

Шубҳа йўқки, 1999 йил халқимизнинг, миллатимизнинг обрўсига обрў қўшади, шон-шуҳрати янада зиёда, эртамиз эса бугунимиздан-да ёруғ ва порлоқ бўлади. Зеро, бугун амалга ошираётган эзгу ишларимиз мана шундай ойдин кунлар ҳаётимизга тезроқ келишига асос солади.

Дарҳақиқат, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг буюк келажаги йўлида бор имкониятимизни, кучимизни, шижоатимизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямайлиз.

Илоё, эл-юртимизни ёмон кўздан асрасин. Эзгу ва пок ниятларимизни амалга оширишда Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин. Халқимизнинг насибасини зиёда этсин.

Оллоҳнинг назари тушган муқаддас ва гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин. Озод ва ҳур диёр - Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз муродига етсин.

Янги йил ҳар қайси оила ва инсон учун бахт, шодлик, севинч, муҳаббат, файз-барака келтирсин! Бошланаётган АЁЛЛАР йили-меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат йили ҳамамизга қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!



ШФ-1257

